

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИДИР

Зарипов Хуршид Закир ўғли

УрДУ “Иқтисодиёт” кафедраси ўқитувчиси

xurshidbek.zokirovich@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақолада рақамли иқтисодиёт соҳасидаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва ютуқлари, республикамизда уни шакллантириши ва ривожлантириши омиллари, муаммолари, тармоқнинг мамлакатлар иқтисодётидаги қўшилган қиймат ва бандликни таъминлашдаги ҳиссаси таҳлил этилган, Ўзбекистонда истиқболда рақамли иқтисодиётни шакллантириши ва ривожлантириши хусусида муаллифнинг фикрлари жамланган.

***Калит сўзлар:** рақамли иқтисодиёт, рақамли технологиялар, интернет технологиялар, ижтимоий тармоқлар, тармоқ фойдаланувчилари, блокчейн.*

ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА – ОСНОВА РАЗВИТИЯ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются опыт и достижения развитых стран в области цифровой экономики, факторы и проблемы ее становления и развития в стране, вклад отрасли в добавленную стоимость и занятость в экономике, взгляды автора на формирование и развитие цифровой экономики в Узбекистане.

***Ключевые слова:** цифровая экономика, цифровые технологии, Интернет- технологии, социальные сети, пользователи сети, блокчейн*

DIGITAL ECONOMY IS THE BASIS FOR DEVELOPMENT

ABSTRACT

The article analyzes the experience and achievements of developed countries in the field of the digital economy, factors and problems of its formation and development in the country, the industry's contribution to added value and employment in the economy, the author's views on the formation and development of the digital economy in Uzbekistan.

Keywords: *digital economy, digital technologies, Internet technologies, social networks, network users, block chain.*

КИРИШ

Иқтисодий ва технологик тараққиётнинг янги босқичи сифатида намоён бўлаётган рақамли инқилоб инсоният ҳаётини шиддат билан ўзгартириб, кенг имкониятлар яратиш билан бирга, халқаро рақобат майдонининг янада кескинлашув даврини бошлаб берди.

Рақамли иқтисодиёт икки хил турли тушунчаларни ифодалаш учун ишлатилади. Биринчидан, рақамли иқтисодиёт – бу ривожланишнинг замонавий босқичи ҳисобланиб, у ижодий меҳнат ва ахборот неъматларининг устувор ўрни билан тавсифланади. Иккинчидан, рақамли иқтисодиёт – бу ўзига хос тушунча бўлиб, унинг ўрганиш объекти ахборотлашган жамият ҳисобланади. Бугунги шиддат билан ривожланаётган глобал иқтисодиёт шароитида рақамли иқтисодиёт ўз ривожланишининг бошланғич даврида бўлиб, замонамизнинг рақамли ахборот босқичига бутунлай ўтиши атига бир неча йилни ташкил этади.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020-йил 28-апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди ва ушбу соҳани жадал ривожлантириш бўйича муҳим вазифалар белгиланди. Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгиланишини кўзда тутадиган «Рақамли иқтисодиёт - 2030 миллий дастури қабул қилиниб ҳаётга жорий этилмоқда [1].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТАДОЛОГИЯ

Сўнгги йилларда ахборотли жамиятга ўтиш, рақамли иқтисодиёт, билимлар иқтисодиёти сингари тушунчаларни изоҳлайдиган илмий ишлар ва ўрганадиган кўплаб илмий адабиётлар пайдо бўлди. «Рақамли иқтисодиёт» атамаси икки олимнинг номлари билан боғлиқ – канадалик иқтисодчи Дон Тапскотт ва америкалик ахборот технология (ИТ) мутахассиси Nicholas Negroponte. 1995-йилда “Being Digital” китобида Nicholas Negroponte “Рақамли иқтисодиёт” атамасини қўллаган. Илмий асарида учта кесишадиган медиа тармоқларга (оммавий ахборот воситалар, (ОАВ) алоқа воситалари ва компьютерлар) асосланган конвергенция моделини таклиф этган. Бундай бирлашиш натижасида янги (рақамли) медиа шаклланди[2].

Замонавий тараққиётнинг кейинги истиқболида катта ҳажмли маълумотлар билан ишлаш технологиялари (Big Data), сунъий интеллект, нейротехнологиялар, квант технологиялари, буюмлар интернет, робототехника ва сенсорика, рақамли электрон платформалар, булутли ва мобил технологиялар, виртуал ва кўшимча реаллик технологиялари, краудсорсинг, блокчейн технологиялари, криптовалюталар ва ISO, 3D-технологиялари сингари рақамли технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Рақамли иқтисодиёт ҳозирги мавжуд соҳаларнинг ярмидан кўпроғида беқиёс ўзгаришлар келтириб чиқариши таъкидланмоқда. Жумладан, Жаҳон банки экспертлари фикрича, тезкор интернетдан фойдаланувчилар сонининг 10 фоизга кўпайиши миллий иқтисодиётлар ялпи ҳажмини ҳар йили ўртача 0,4-1,4 фоизга ошириш имконини беради. Дунёда рақамли иқтисодиёт ўсишининг суръатлари йилига деярли 20 фоизни ташкил этмоқда. Тараққий этган давлатларда рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 7 фоизга етган. Улар ҳозирнинг ўзида рақамли иқтисодиётнинг жорий қилинишидан жуда катта наф кўришмоқда.

Рақамлаштиришнинг аҳамияти ва таъсирини қанчалик ортиб бораётганлигини баҳолаш учун сўнгги ўн йилликдаги бир нечта йирик технологик компаниялар ва рақамли платформаларнинг жаҳон бозоридаги капиталларининг улушини кўриш кифоя.


Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва технологик ривожланиш шароитида Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишини рақамли иқтисодиётсиз тасаввур қилиш қийин. Тадқиқотлар натижаларига кўра, 2022-йилга келиб глобал ЯИМнинг чорак қисми рақамли соҳада бўлишини тахмин қилинмоқда. Лекин, халқаро ахборот коммуникация технологиялари ривожлантириш индекси бўйича Ўзбекистон 170 дан ортиқ давлат ичида 103-ўринни эгаллаб туришининг ўзи мамлакатимизда бу соҳада ҳали ўз ечимини кутаётган масалалар ва қилиниши лозим бўлган ишлар кўплигидан далолат беради.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, АКТ билимларни яратиш ва улардан фойдаланишда кенг қўлланилиши лозим, чунки улар билимларни ишлаб чиқарувчилар ҳамда истеъмол қилувчилар учун ҳам хизмат қилади. Биринчи гуруҳга ахборот-коммуникация технологиялари, илм-фан ва илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ), таълим, юқори технологик ишлаб

чиқариш, нано ва биотехнологияларни (мутахассислар, муҳандислар, илмий ходимлар, дастурчилар, дизайнерлар, профессор-ўқитувчилар ва ҳоказолар) киритиш мумкин. Жаҳонда инновацион тараққиётда рақамли секторнинг улуши ошиб бормоқда. Айниқса бу соҳадаги Хитойнинг тажрибасини ўрганиш катта аҳамиятга эга. Хитойнинг тўртта рақамли гигантлари Baidu, Alibaba, Tencent ва Xiaomi (адабиётларда қисқача BATX деб аталади) жаҳонда рақамли инновацияларда глобал лидер бўлмоқдалар. Улар рақамли товар ва хизматларни экспорт қилишда жаҳонда етакчилик қилмоқдалар. 2017 йили G – 20 мамлакатлари иқтисодиёт вазирлари декларациясида, Халқаро валюта фонди ва OECD (Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти) мамлакатлари рақамлаштиришнинг ялпи ички маҳсулотга таъсирини ўрганиш зарурати ҳақида келишиб олдилар.


Дунёда Интернет тармоғи фойдаланувчилар ва хизматлари бўйича We Are Social ва Hootsuite компанияларининг Digital Around the World in 2022 (2022 йилда Дунёнинг Рақамли Қамрови) статистик маълумотлари билан танишиб чиқсак. 2022 йил январь ойи ҳолати бўйича дунёда аҳолиси сони 7,91 млрд.га етди. Шулардан, 5,31 млрд. уникал мобил қурилмалари фойдаланувчилари ёки жами дунё аҳолисининг 67,1%ни, Интернет фойдаланувчилари сони 4,95 млрд. ёки жами дунё аҳолисининг 62,5 % ни, фаол ижтимоий медиа фойдаланувчилари 4,62 млрд ёки жами дунё аҳолисининг 58,4 % ни ташкил этади [3].




Жами аҳолини бир йил давомида ўсиш кўрсаткичи 1 % (80 млн.га ошган), уникал мобил қурилмалари фойдаланувчилари 1,8 % (95 млн), Интернет фойдаланувчилари 4% (192 млн), Актив медиа фойдаланувчилари 10,1 % (424 млн) га ортган.

Интернет фойдаланувчиларнинг ўсишининг Керпос таҳлили шуни кўрсатадики, сўнгги 10 йил ичида интернет фойдаланувчилари икки баравар кўпайган ва 2012 йил бошидаги 2,18 миллиарддан 2022 йил бошида 4,95 миллиардга кўтарилган[4]

Натижада сўнгги ўн йилликда умумий йиллик ўсиш суръати Compound Annual Growth Rate (Мураккаб йиллик ўсиш суръати) да 8,6 фоизни ташкил этади, аммо қуйидаги жадвалда кўриб турганингиздек, йиллик ўсиш суръатлари бир йилдан иккинчисига сезиларли даражада ўзгариб борган.



Ижтимоий тармоқлар фойдаланувчиларининг ўсиши сўнгги 12 ой ичида ҳам 10,1 фоизлик суръатда давом этди, аммо тан олишимиз керак, 2021 ва 2022 йиллар оралиғидаги ўсиш суръати пандемиядан олдинги даражадан юқори бўлиб қолди.



Ижтимоий тармоқлар фойдаланувчиларининг ўсиши сўнги 12 ой ичида ҳам 10,1 фоизлик суръатда давом этди, аммо тан олишимиз керак, 2021 ва 2022 йиллар оралиғидаги ўсиш суръати пандемиядан олдинги даражадан юқори бўлиб қолди.

Шанхай ижтимоий фанлар академияси экспертлари дунёнинг энг рақобатбардош рақамли иқтисодиётга эга давлатлари бўйича Global Digital Economy Competitiveness Development Report (2022) ҳисоботини эълон қилди. Унга кўра рақамли иқтисодиёт соҳасида етакчи давлатлар қуйидагилар: АҚШ, Сингапур, Хитой, Буюк Британия, Финляндия, Жанубий Корея, Япония, Нидерландия, Австралия ва Германия [5].

Global ranking нинг 2022-йилдаги ҳолатига кўра, энг юқори капиталлашувга эга Топ 10 компаниясини эълон қилди [6].

Ташкилот номи	Капитализация	Давлат	Соҳа
Saudi Aramco	\$2,380 трлн	Саудия Арабистон	Нефт-газ
Apple inc.	\$2,274 трлн	АҚШ	Электроника, ахбарот технологиялари
Microsoft	\$1,963 трлн	АҚШ	Дастурий таъминот
Alphabet Inc.(Google)	\$1,394 трлн.	АҚШ	Интернет
Amazon Inc.	\$1,086 трлн.	АҚШ	Чакана савдо
Tesla	\$682,5 млрд	АҚШ	Электр транспорт воситалари иш.ч
Berkshire Hathaway Inc.	\$680,9 млрд.	АҚШ	Суғурта, молия, темир йўл ва бошқалар
Meta (Facebook)	\$525,6 млрд.	АҚШ	Интернет
Johnson&Johnson	\$472,6 млрд.	АҚШ	Фармацевтика
TSMC	\$468,4 млрд.	Taiwan	Технология

Ушбу жадвалда кўриб турганимиздек дунёнинг Топ компанияларининг 10 тадан 8 таси АҚШга тўғри келмоқда. Бу юқорида келтириб ўтилган Global Digital Economy Competitiveness Development Report (2022) натижаларига мос

эканлигини исботидир. Шунингдек, ушбу жадвалда келтирилган Топ 10 та компаниянинг 7 таси (Apple inc., Microsoft, Alphabet Inc. (Google), Amazon Inc., Tesla, Meta (Facebook), TSMC) рақамли иқтисодиёт соҳасида фаолият кўрсатувчи ёки унга алоқаси сезиларли даражада юқори бўлган компаниялар эканлигини англашимиз қийин эмас. Агар ушбу компанияларнинг умумий капитализациясини ҳисоблайдиган бўлсак қарийб 8,4 трлн. долларни ташқил қилади. Ушбу кўрсаткич билан ЯИМ бўйича дунёда АҚШ (ЯИМ 25,34 трлн. доллар), Хитой (27,08 трлн. доллар), Ҳиндистон (11,7 трлн. доллар)дан ортда қолади холос. Демак, рақамли иқтисодиёт соҳасини ривожлантириш бугунги ривожланаётган давлатлар учун сув ва ҳаво каби зарур.

Бугунги кунда дунёда 8 млрдга яқин аҳоли яшаётган бўлса уларнинг қарийб 60% интернет тармоғига уланган. Бу эса ўз навбатида 5 млрддан ортиқ иштирокчига эга бозор демакдир. Аммо ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда, қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг ахборот технологияларидан фойдаланиш даражасида катта фарқ сақланиб қолмоқда. Республикамизда эса рақамли иқтисодиётни ривожлантиришдаги муаммолар қаторига аҳолининг бу соҳадаги саводхонлик даражаси, интернет тезлиги, чекка қишлоқларда интернетга кириш, инфратузилма ва мутахассислар малакаси ва тақчиллигидир [7].

Шуни таъкидлаш жоизки, қайси давлатда рақамли иқтисодиёт элементлари бўлган, интернет тармоғи ва унинг сервислари яхши йўлга қўйилган ва аҳоли ундан самарали фойдаланаётган бўлса ўша давлатларнинг гигант компаниялари ҳам кўп ва бу ўз навбатида аҳоли моддий турмуш даражасини оширишга сабаб бўлади. Юқорида келтирилган Топ компаниялар жадвалида асосан рақамли иқтисодиёт ва у билан боғлиқ бўлган компаниялар эканлигини англашимиз мумкин. Шунингдек, ушбу гигант компаниялар асосан АҚШ ва Хитой компанияларидир.

Ахборот - коммуникация технологияларининг (АКТ) тез суръатлар билан ривожланиши мамлакатимиздаги корхоналар, кичик бизнес субъектларига таъсир ўтказибгина қолмай, балки уларнинг бизнес ва иш юритиш фаолиятини тубдан ўзгартириб юборувчи ва четлаб ўтиб бўлмайдиган муҳим омиллардан бирига айланиб бормоқда. Ривожланган мамлакатлар тажрибалари шуни кўрсатадики, маълумотларнинг эркин таъминоти бозор иқтисодиётига тез суръатлар билан ўтиш ва жамиятнинг ижтимоий ҳаётини яхшилашга ижобий таъсир этади. Интернет тармоғи ва АКТ турмуш тарзимизга тез суръатлар билан кириб келишига асосланган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, бу каби

янгиликлар ва инновацияларни, янги билимлар мажмуасини вақтида ўзлаштира олмаган бизнес субъектлари, ҳатто мамлакатлар эртанги кунда бозордаги ўз улушларини сезиларли даражада йўқотишлари ва глобаллашув натижасида юзага келаётган рақобат туфайли инқирозга юз тутишлари табиий.

Давлатимиз раҳбарининг таъкидлашича, “...юртимиз халқаро ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш индекси бўйича 2019-йилда 8 поғонага кўтарилган бўлса-да, ҳали жуда ҳам орқада. Аксарият вазирлик ва идоралар, корхоналар рақамли технологиялардан мутлақо йироқ, десак, бу ҳам ҳақиқат. Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб етишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади[8].

Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради. Шу билан бирга, мени жуда қаттиқ ташвишга соладиган ва безовта қиладиган энг оғир иллат – коррупция балосини йўқотишда ҳам улар самарали воситадир. Буни барчамиз теран англаб олишимиз даркор. Давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳада ҳам рақамли технологияларни кенг жорий этиб, натижадорликни ошириш, бир сўз билан айтганда, одамлар турмушини кескин яхшилаш мумкин”.

Ўз ўрнида қайд этиб ўтиш лозимки, мамлакатимиз ҳаётида рақамли иқтисодиётнинг айрим элементлари аллақачон муваффақият билан фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, ҳужжатлар ва коммуникацияларнинг оммавий равишда рақамли воситаларга ўтказилишини ҳисобга олиб, электрон имзога рухсат бериш, давлат билан мулоқот қилиш ҳам электрон платформаларга ўтказилмоқда.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчимизки, рақамли иқтисодиёт ривожланган давлатларнинг ажралмас соҳаси ҳисобланиб, уни ривожлантиришга берилган эътибор ўз натижасини бир неча баробар ортиғи билан қайтаради. Ривожланган давлат бўлишлик учун албатта рақамли иқтисодиёт соҳасига эътибор бугун ҳар қачонгиданда муҳимдир. Бунга эришиш учун рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг қуйидаги асосий шартлари ва устувор йўналишларини санаб ўтиш мақсадга мувофиқ:

– рақамли технологиялар барқарор фаолият кўрсатиши учун институционал муҳит ва рақамли инфратузилмани яратиш, давлат хизматларини кўрсатиш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари, соғлиқни сақлаш, давлат кадастри ва бошқа соҳаларда рақамли технологияларни кенг жорий этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожланган мамлакатлар даражасида интернет глобал тармоғига уланиш имкониятлари билан имкон қадар тўлиқ қоплашни босқичма-босқич таъминлаш;

– кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш ва бу йўналишлар бўйича чуқур билимга эга малакали дастурчилар ва инженер-техник ходимларни етиштириш, таълим тизимининг барча босқичларида халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган замонавий ахборот технологияларини ўқитиш, шу жумладан, хорижий ҳамкорларимиз билан биргаликда “1 миллион дастурчи” лойиҳасини муваффақиятли амалга ошириш;

– рақамли иқтисодиёт соҳасида илмий-назарий базани мустаҳкамлаш ва бу соҳада “Рақамли ишонч” жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланган ҳолда илмий фаолиятни қўллаб-қувватлаш;

– аҳолининг кенг қатламлари ўртасида “рақамли саводхонлик”ни тарғиб қилиш ва кенгайтириш, уларни ахборот технологияларини ўзлаштиришга жалб қилиш мақсадида ўқув юртларида семинар, курслар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

– рақамли иқтисодиёт соҳасида меъёрий-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, шунингдек, “стартап” тушунчаси, фаолияти, венчур фондлари орқали уларни молиялаштиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш;

– рақамли иқтисодиёт талабларига жавоб берадиган меҳнат бозорини ташкил этиш ва унинг мобиллигини ошириш, янги технологияларни тезкорлик билан ўзлаштириш учун мутахассислар малакасини ошириб бориш;

– рақамли иқтисодиёт соҳасидаги халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, етакчи халқаро технологик компаниялар билан ўзаро ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалга ошириш, шу жумладан, инновацион ишланмалар бўйича замонавий илмий-ишлаб чиқариш лабораторияларини ташкил этиш.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М Мирзиёевнинг қарори, [http://www. https://lex.uz/docs/4800657](http://www.lex.uz/docs/4800657)

2. F.M. Порсаев, Б.Ш. Сафаров, Д.Қ. Усманова Дарслик 2020. Рақамли иқтисодиёт асослари (7-8)
3. Digital Around the World in 2022 <https://www.datareportal.com/reports/digital-2022-global>
4. Digital 2022. Global overview report- <https://www.datareportal.com>
5. Топ-10 самых конкурентоспособных цифровых экономик мира <https://www.vesti.ru/finance/article/1271238>
6. Топ-10 компаний по уровню рыночной капитализации в 2022- <https://companiesmarketcap.com/>
7. F.Mulaydinov, A.Kadirova, G.Melibaeva, O.Akhmadjonov. Advantages Of The Transition To A Digital Economy In The Innovative Development Of Uzbekistan. Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems. Volume 12, Issue 6, 2020. DOI: 10.5373/JARDCS/V12I6/S20201164. Pages: Pages: 1226-1232.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // 2020-йил 25-январ.
9. А. Б. Шеров, & Х. А. Худайкулов (2021). Деятельность коммерческого банка на мировых финансовых рынках. Scientific progress, 2 (1), 1261-1265.
10. Akhrorovich, I. A. (2021). Indicators of organized stock markets in foreign countries and the state of their development. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(5), 523-531.
11. Алишер Бакберганович Шеров, Сардорбек Юнусжон Ўғли Юнусов Перспективы развития цифровой экономики в узбекистане // Scientific progress. 2022. №3.
12. Mirzobek Komiljonovich Avezov (2022). Raqamli bank xizmatlari va uning afzalliklari. Scientific progress, 3 (2), 808-814.
13. Sherov, A. (2018). Legal basis and importance of state financing of education system. International Finance and Accounting, 2018(2), 92.